Бир-бирига нисбатан узгармас v_0 тезлик билан ҳаракатланувчи иккита санок системасининг текширайлик. Бунда k -харфи билан белгиланган система-мани шартли равишда кучмас деб ҳисоблаймиз. У ҳолда иккинчи k^1 система тугри чизикли ва текис ҳаракатланади. k системанинг x , y , z координата уқларини ҳамда k^1 системанинг x^1 , y^1 , z^1 уқларининг x билан x^1 устма-уст тушадиган y ва y^1 шунингдек, z ва z^1 уқлар бир-бирларига параллел йуналадиган қилиб танлаб оламиз.



$$\left. \begin{aligned} x &= x' + v_0 t \\ y &= y' \\ z &= z' \\ t &= t' \end{aligned} \right\} \quad (1)$$

Булар Галилей узгартиришлари деб аталади.

(1) муносабатларни вақт бўйича

дифференциолласак, p нуктанинг k ва k^1 санок системаларидаги тезликлари орасидаги боғланишни топамиз.

$$\left. \begin{aligned} \dot{x} &= \dot{x}' + v_0 \\ \dot{y} &= \dot{y}' \\ \dot{z} &= \dot{z}' \end{aligned} \right\} \quad \text{еки} \quad \left. \begin{aligned} g_x &= g_{x_1}^1 + g_0 \\ g_y &= g_y^1 \\ g_z &= g_z^1 \end{aligned} \right\} \quad (2)$$

(2) даги бу ўрта скаляр муносабат k системага нисбатан ўлчанган V тезлик вектори билан k^1 системага нисбатан ўлчанган v^1 тезлик вектор ора-сидаги $V = V^1 + V^0$ (3) муносабатга эквивалентдир.

(2) ва (3) формулалар классик механикада тезликларни қушиш қоида-ларини беради. k ва k^1 ихтиёрий танлаб олинган инерциал санок система-сида жисмларнинг тезланиши бир хил бўлади. Бундан Ньютоннинг II-қонунига биноан жисмга K ва K^1 системаларда таъсир этувчи кучлар бир хил бўлади. Демак, бир инерциал системадан иккинчисига ўтганда динамика қонунлари ўзгармас булар экан, яъни бир

инерциал системадан иккинчисига ўтиши физи-кавий катталикларга нисбатан инвариант ўтиш булар экан. Барча механик ҳодисалар турли инерциал системаларда бир хил содир бўлганлиги сабабли ҳеч қандай механик тажрибалар ёрдамида берилган санок система тинч турганлиги ёки тугри чизикли ва текис ҳаракат қилаётганлигини билиб бўлмас-лиги ҳақидаги бу қонун Галилейнинг нисбийлик принципи деб юритилади.

Савол: Вагон деразалари беркитилган бўлса вагон ичидаги

одамнинг вагонга нисбатан тезлиги қандай?

Махсус нисбийлик назариясининг постулотлари


Эйнштейн алоҳида абсолют санок системаси вазифасини уташи мумкин булган муҳит дунё эфери мавжуд эмас деган хулосага келади. Шунга асосан Эйнштейн Галилейнинг нисбийлик принципи ҳамма физикавий ҳодисаларга татбиқ қилди. Эйнштейннинг нисбийлик принципи асосан, табиатнинг ҳамма қонунлари бир инерциал санок системадан иккинчисига ўтишга нисбатан инвариантдир. Эйнштейн тажриба далилларига мувофиқ қуйидаги постулотни яратди.

1. Ёруғлик тезлиги бўшлиқда ҳамма инерциал санок системаларида бир хил ва ёруғлик манбаи ҳамда қабул қилгичларнинг ҳаракатига боғлиқ эмас.

2. Нисбийлик принципи ўз мазмунини билан фазо ва вақтнинг физикавий назарияси ҳисобланиб, махсус нисбийлик назариясининг асосини ташкил қилади. Классик механикада фазо ва вақт бир-бирларига боғлиқ булмаган ҳолда қаралади. Нисбийлик принципи қура табиат қонунлари ҳамма системаларда бир хил бўлиши лозим. Сигналнинг тезлиги черавий қийматдан катта бўла олмаслиги ҳақидаги далил ҳам табиат қонунидир.

Лоренц алмаштиришлар .

Биз K ва K^1 инерциал санок системасини қуриб чиқамиз. K системада x, y, z, t координата ва вақт қийматлари. K системада x^1, y^1, z^1, t^1 қийматларга мос келсин. Классик физикада вақт иккала системада бирдай ўтади, яъни $t = t^1$ деб ҳисобланади. Агар $t = t^1 = 0$ моментда иккала системанинг координата бошлари ўзма-ўзма тушган бўлса, ҳодисанинг иккала системадаги координаталар орасида қуйидаги муносабат мавжуд бўлади



$$\left. \begin{aligned} x &= x' + vt' \\ y &= y' \\ z &= z' \\ t &= t' \end{aligned} \right\} \quad (3)$$

Улардан классик механиканинг тезликларини қушиш қонуни келиб чиқади.

$$\text{Яъни } u_x = u_{x'} + v, \quad u_y = u_{y'} + v, \quad u_z = u_{z'} + v \quad (4)$$

K системада $x = 0$, K^1 системада эса $x^1 = -vt^1$ га эга. Демак, $x^1 + vt^1$ нолган тенг бўлганда x координата ҳам нолга тенглашади. Бунинг учун қизикли алмашиш қуйидаги қурилишга эга бўлиши лозим:

$$x = j(x' + vt') \quad (5) \quad x' = j(x - vt) \quad (6)$$

Шунга ўхшаш $x = 0$ ҳам (6) эканлиги келиб чиқади. (5) ва (6) лардан x ни йукотиб, ҳосил бўлган натижада

$$t = j \left[t' + \frac{x'}{v} \left(1 - \frac{1}{j^2} \right) \right] \quad (7) \text{ ҳосил бўлади.}$$

Пропорционаллик коэффициентини топиш учун ёруғлик тезлигининг ўзгармаслик принциpidан фойдаланамиз.

$$j = \frac{1}{\sqrt{1 - \frac{v^2}{c^2}}} \quad (8)$$

бунда (8) ни (5) ва (6) формулага қуйиб

$$\left. \begin{aligned} k &\rightarrow k' \\ x' &= \frac{x - \beta t}{\sqrt{1 - \beta^2}} \\ y' &= y \\ z' &= z \\ t' &= \frac{t - \beta x/c}{\sqrt{1 - \beta^2}} \\ \beta &= v/c \end{aligned} \right\} \quad (9) \quad \left. \begin{aligned} k' &\rightarrow k \\ x &= \frac{x' + \beta t'}{\sqrt{1 - \beta^2}} \\ y &= y' \\ z &= z' \\ t &= \frac{t' + \beta x'/c}{\sqrt{1 - \beta^2}} \end{aligned} \right\} \quad (10)$$

К системадан K^1 системага утилса, у холда Лоренц алмаштириш $V < C$ да Галилей алмаштиришга айлантирилади.


Лоренц алмаштиришидан келиб чикадиган натижалар

Турли санок системасидаги ходисаларнинг бир вақтлиги $x_1 \neq x_2, t_1 = t_2$ K^1 системаларда лоренц алмаштиришларига (10) асосан

$$x'_1 = \frac{x_1 - \beta t}{\sqrt{1 - \beta^2}} \quad x'_2 = \frac{x_2 - \beta t}{\sqrt{1 - \beta^2}} \quad (11)$$

координаталар ва

$$t'_1 = \frac{t - \beta x_1/c}{\sqrt{1 - \beta^2}} \quad t'_2 = \frac{t - \beta x_2/c}{\sqrt{1 - \beta^2}} \quad (12)$$



вақт моментлари мос келади. Ёзилган формулалардан куринадики, ходисалар K системада фазонинг айнан бир ($x_1 = x_2$) содир булса, k^1 сис-темада ҳам фазонинг айнан бир ($x'_1 = x'_2$) ерида бир вақтда ($t'_1 = t'_2$) содир булади. Агарда K системада ходисалар турли нукталарда содир

булса, ($x_1 \neq x_2$) K^1 системада ҳам ($x'_1 \neq x'_2$) содир булади. Лекин бир вақтли булмайди. ($t \neq t'$) жисмнинг узунлиги (1) ва (2) асосан

$$x'_2 - x'_1 = \frac{x_2 - x_1}{\sqrt{1 - \beta^2}} \quad \text{ёки} \quad l = l_0 \sqrt{1 - \beta^2} \quad (13)$$

Лоренц кискартирилиш деб юритилади. Турли системаларда ходисаларнинг давом этиш вақти (6) чи формулага асосан

$$t_1 = \frac{t'_1 + \beta x'_1/c}{\sqrt{1 - \beta^2}} \quad t_2 = \frac{t'_2 + \beta x'_2/c}{\sqrt{1 - \beta^2}} \quad x_1 = x_2 = x$$

вақт моментлари тугри келади. Бундай

$$t_2 - t_1 = \frac{t'_2 - t'_1}{\sqrt{1 - \beta^2}} \quad \Delta t \text{ - белги киритсак} \quad \Delta t = \frac{\Delta t'}{\sqrt{1 - \beta^2}} \quad (14)$$

хосил булади.

Бу формулада Δt ходисанинг процесс содир булаётган жисм билан биргаликда бир хил тезликда ҳаракатланаётган системадаги соотлар буйича улчанган давом этиш вақти бу биргаликда жисм тинч туради. Бошқача айтганда жисм билан биргаликда ҳаракатланаётган соат буйича аникланади. Δt вақт интервали жисмнинг v тезлик билан ҳаракатланаётганлигини курсатиб турувчи системадаги соат буйича улланади. Жисм билан бирга ҳаракатланаётган система буйича улчанган

вакт шу жисмнинг уз вакти деб юритилади. Доимий жисмга нисбатан харакатланаётган соотлер буйича улчанган вақтга нисбатан кичик булади.

Тезликларни кушилишнинг релятивистик қонуни

Биз бу ерда моддий нукта харакатини караб чиқамиз. Нуктанинг ҳолати К системада хар бир t вақт моментиди x, y, z координаталари билан белгиланади. Нукта тезлик векторининг К системага нисбатан x, y, z уқларига проекцияси

$u_x = dx/dt, u_y = dy/dt, u_z = dz/dt$, (15) дан иборат.

Худди шунга ўхшаш K^1 система учун уқларига проекцияси x', y', z'

$$u'_x = dx'/dt', u'_y = dy'/dt', u'_z = dz'/dt', \quad (16)$$

$$(9) \text{ формуладан } dx = \frac{dx' + \beta dt'}{\sqrt{1 - \beta^2}}, dy = dy', dz = dz' \quad (17)$$

$$dt = \frac{dt' + \beta dx' / c^2}{\sqrt{1 - \beta^2}} \quad (18) \text{ келиб чиқади.}$$

Олдинги ўқта тенгламани туртинчи тенгликка бўлиб, тезликлар учун бир системадан иккинчи системага ўтгандаги алмаштириш формуласига эга бўламиз. $k' = k$

$V \ll C$ бўлган ҳолда система

$$u_x = \frac{u'_x + \beta}{1 + \beta u'_x / c^2}; \quad u_y = \frac{u'_y \sqrt{1 - \beta^2}}{1 + \frac{\beta u'_x}{c^2}} \quad (19) \text{ га яъни классик механиканинг тезликларни кушиш}$$

формуласига ўтади.

$$u_z = \frac{u'_z \sqrt{1 - \beta^2}}{1 + \frac{\beta u'_x}{c^2}}$$

Агар жисм x ўқка параллел харакат қилаётган бўлса, унинг К системага нисбатан u тезлиги u билан мос K^1 системага нисбатан u^1 тезлик эса u^1 билан мос тушади. Бу ҳол тезликларни кушиш қонуни қу-йидаги қурилишга эга бўлади. $u = (u' + \beta) / (1 + u' \beta / c^2)$ (19) U^1 тезлик C га тенг деб фараз қилсак, U учун (19) формулага асосан қуйидагича қиймат келиб чиқади.

$$u = \frac{c + \beta}{1 + \frac{\beta c}{c^2}} = c \quad (20)$$

Релятивистик динамиканинг асосий қонуни

$$m = \frac{m_0}{\sqrt{1 - \beta^2}} \quad (1) \text{ бунда } m_0 \text{ инвариант катталиқ яъни ҳамма инерциал санок}$$

системаларидан бир хил катталиқ бўлиб, берилган жисмнинг тинчликдаги массаси деб аталади. Моддий нукта импульси учун (1) ни v тезликка қупайтириб

Савол: тезлиги $0,6 c$ тезлик билан харакатланаётган жисмнинг массаси қандай ўзгаради?

$$P = \frac{m_0 \beta}{\sqrt{1 - \beta^2}} \quad (2)$$

тезлик бўлганда (2) ифода импульсининг классик ифодасига ўтади. Динамика-нинг II-қонунига асосан

$$F = m \frac{d\beta}{dt} \text{ моддий нукта учун релятивистик динамика асосий қонуни.}$$

$$F = \frac{d}{dt} \left(\frac{m_0 \beta}{\sqrt{1 - \beta^2}} \right) \quad (3) \text{ ёки } F = \frac{dP}{dt} \text{ бунда}$$

$$P = m \mathcal{G} = \frac{m_0 \mathcal{G}}{\sqrt{1 - \beta^2}} \quad (4) \text{ моддий нуктанинг релятивистик импульси. Моддий нукта энергиясининг}$$

релятивистик ифодасини топамиз. (3) ни ифодасини $v dt$ га купайтираамиз

$$\frac{d}{dt} \left(\frac{m_0 \mathcal{G}}{\sqrt{1 - \beta^2}} \right) \mathcal{G} dt = F \mathcal{G} dt = dE \quad (5)$$

$$\text{Хосил булган бу муносабатни интеграллаб} \quad E = \frac{m_0 c^2}{\sqrt{1 - \beta^2}} + \text{const} \quad (6) \quad E = \frac{m_0 c^2}{\sqrt{1 - \beta^2}} = mc^2 \quad (6')$$

Эйнштейн ифодадаги константани 0 га тенг.

$$E_0 = m_0 c^2 \quad (7) \text{ тинч холатдаги энергияси номи билан юритилади.}$$

Зарранинг кинетик энергияси T ни E ва E_0 лар айирмасы сифатида аниклаш табиийдир.

$$T = E - E_0 = \left(\frac{m_0 c^2}{\sqrt{1 - \beta^2}} - m_0 c^2 \right) = m_0 c^2 \left(\frac{1}{\sqrt{1 - \beta^2}} - 1 \right) \quad (8)$$

кичик тезликларда ($V \ll C$) да

$$T \approx m_0 c^2 \left(\frac{1}{1 - \frac{1}{2} \beta^2} - 1 \right) = m_0 c^2 \left(1 + \frac{1}{2} \beta^2 - 1 \right) = \frac{m_0 \mathcal{G}_2}{2} \quad (9)$$

зарра энергиясининг p импульси оркали ёзиладиган ифодасы. (2) ва (4) тенгламалардан v тезликини йукотиб: $E = c \sqrt{p^2 + m_0^2 c^2}$ курунишга келтираамиз. Жисмнинг энергияси ва масса бир-бирига доим пропорционал эканлиги (4) формула келиб чикади.

Синов саволлари:

1. Галилей узгартуришлари деб нимага айтылади?
2. Нисбийлик назарияси постулатлари. Лоренц алмаштурушлари ва ундан келиб чикадигин хулосаларни тушунтириб беринг?
3. Тезликларни кушишнинг релетелистик конунини айтиб беринг?
4. Релетелистик динамиканинг асосий конуни деганда нимани тушунасыз?

9 - Маъруза: Механик тебранишлар ва тўлқинлар

Р Е Ж А :

1. Гармоник тебранишлар ва тебраниш тенгламасы.
2. Математик-физик ва пружинали маятник.

Гармоник тебранишлар.

У еки бу даражада такрорланувчанлиги билан ажралиб ту-радиган процессларга тебранишлар деб аталади. Ана шундай такрорланувчанлик хоссасига, Масалан: соат маятнигининг теб-раниши комертонторинг оёкчаларининг тебраниши радиоприемник контуридаги конденсатор копламалари орасидаги кучланишнинг тебраниши ва хаказолар.

Такрорланаётган процесснинг физик табиатига караб теб-ранишлар: Механик, электромагнит, электромеханик ва хаказо-ларга ажралади. Тебранишлар табиатда ва техникада кенг тар-калган. Куплик холларда улар салбий таъсир курсатади. Рельс-ларнинг кушилиш жойидан утаётган поезднинг гилдираги берадиган турткилар таъсирида куприкнинг тебраниши, самолет канот-ларининг тебраниши булар халокатга олиб келувчи тебранишлар хисобланади. Шу билан бирга тебранма процесслар техниканинг турли сохалари асосий ахамиятга эга. Масалан: радиомеханика тебранма процессларга асосланган. Тебранма процесслар таъсирининг характериға караб, тебранишлар эркин тебранишларга, мажбурий тебранишларга ва автотебранишларга булинади. Бир


марта туртки берганда еки мувозанаат холатдан чикариб куйиб юборса унда тебраниш вужудга келади бунга эркин тебраниш булади Даврий равишда узгарувчи тшки куч таъсири остида буладиган тебранишлар мажбурий тебранишлар деб юритилади. Бунга куприкнинг устидан одамлар тартибли кадам ташлаб утаётган куприкнинг тебранишлари мисол булади. Авто тебранишлар вақтида мажбурий тебранишлардаги каби тебранувчи системага ташки кучлар таъсир килади бироқ бундай таъсир курсатилиши зарур булган вақт моментларини тебранувчи системанинг узи белгилайди. Ташки таъсирни системанинг узи бошқаради. Авто тебранувчи системага соат мисол булиши мумкин. Маятник кутариб куйилган тошнинг еки буралган пружинанинг энергияси хисобига туртки олиб туради. Бунда бу турткилар маятник урта холатидан утаётган моментлардагина берилади. Параметрик тебранишлар вақтида ташки таъсир хисобига системанинг бирор параметри Масалан: тебранаётган шарча осилиб турган ипнинг узунлиги даврий равишда узгариб туради. Энг содда тебраниш бу гармоник тебранишдир. Гармоник тебраниш бу шундай ходисаки, унда тебранувчи катталик вақт буйича синус еки косинус конуни буйича узгаради.

Савол: Параметрик тебранишлар деб нимага айтилади?

Гармоник тебранишлар. Дифференциал тенглама.

Пружинага осиб куйилган m массали шарчадан иборат системани караб чикайлик мувозанат холатда mg куч $k\Delta l$ эластик кучи билан мувозанатлашади:

Шарчани мувозанат холатидан огишини X укни пастга вертикал йуналтириб укнинг нолини шарчаанинг мувозанат холати билан устма-уст туширамыз.



Агар шарчанинг мувозанат холатдан X масофага огдирсак, у холда пружина $\Delta l_0 + x$ га узайган булади ва натижавий кучнинг X укка проекцияси (бу проекцияни тугридан-тугри F харфи билан белгилаймиз. Куйидаги курунишни олади

$$F = mg - k(\Delta l_0 + x) \quad (1)$$

1) Мувозанат шартини эътиборга олсак,

$$F = mg - k\Delta l_0 - kx = k\Delta l_0 - kx = -kx \quad (2)$$

2) Формулада "(-)" ишора силжиш билан куч карама-карши йуналганини англатади. Агар шарча мувозанат холатдан пастга караб огса, ($X > 0$) куч юкорига караб йуналади ($f < 0$) шарча юкорига караб йуналса ($x < 0$) куч пастга караб йуналади. ($f > 0$) шундай килиб, f куч куйидаги хоссага эга экан.

1) Шарчанинг мувозанат холатдан силжишига пропорционал,

2) Доим мувозанат холатга караб йуналади. Бу караб чиккан мисолимизда (2) куч аслида уз табиати билан эластик кучдир. Одатда бундай курунишдаги кучлар уларнинг табиатидан катъий назар квазиэластик куч деб аталади.

Системани X га силжиши учун квазиэластик кучга карши куйидагича иш бажаради.

$$A = \int_0^x (-F) dx = \int_0^x kx dx = k \int_0^x x dx = \frac{kx^2}{2}$$

Бу иш системанинг потенциал энергияси запасини вужудга келтиришга сарфланади. Демак, квазиэластик куч таъсир курсатаётган система мувозанат холатда X масофага силжиганда

$$E_p = \frac{kx^2}{2} \quad (3)$$

потенциал энергияга эга булар экан (мувозанат холдаги потенциал энергияни нолга тенг деб оламиз). Яна олдинги расмда тасвирланган системага мурожаат килайлик. Шарчани $X=a$ силжитиб сунгра системани уз холига куямиз. $F = -kx$ куч таъсирида шарча мувозанат холатга караб тобора

ортиб боровчи $\mathcal{G} = x'$ тезлик билан ҳаракатланади. Бунда системанинг потенциал энергияси купайиб боради. Лекин ортиб боровчи $E_K = \frac{mu^2}{2}$ кинетик энергия майдонга келади.

Шарча мувозанат ҳолатга кайтгандан кейин ҳам инерциябилан ҳаракатини давом эттиради. Бу ҳаракат секинланувчанбулиб, кинетик энергия батамом потенциал энергияга айлангач, яна шарчанинг силжиши а га тенг булгач, тухтаб қолмайди. Сунгра шарча орқага қараб кайтган вақтда ҳам худди шундай процесс содир бўлади. Агар системада ишқаланиш бўлмаса, системанинг энергияси сақланиб қолади ва шарча $x=a$ дан $x=-a$ гача ораликда чексиз узок вақт ҳаракатланади. Шарча учун Ньютоннинг II қонунининг тенгламаси қуйидаги қуринишга эга бўлади.

$$m\ddot{x} = -kxm$$

Бу тенгламани қуйидагича узгартирамиз.

$$\ddot{x} + \frac{k}{m}x = 0 \quad (4)$$

X олдидаги коэффициент мусбат. Шунинг учун уни қуйидаги қуринишда езиш мумкин.

$$\omega_0^2 = \frac{k}{m} \quad (5)$$

ҳақиқий сон (4) га (5) қуйиб қуйидагини ҳосил қиламиз.

$$\ddot{x} + \omega_0^2 x = 0 \quad (6)$$

Шундай қилиб, (2) қуринишдаги қуч таъсиридаги шарчанинг ҳаракати иккинчи даражали қизикли бир жинсли дифференциал тенглама билан ифодаланар экан (2) тенгламани умумий ечими қуйидаги қуринишга эга бўлади.

$$x = a \cos(\omega_0 t + \alpha) \quad (7)$$

бу ерда а ва ихтиерий катталиклар. Шундай қилиб, x силжиш вақтга қараб косинус қонуни билан узгарар экан. Демак, $F=-kx$ қуринишдаги қучнинг таъсири остида турган системанинг ҳаракати гармоник тебранишдан иборат экан. Горизонтал уқ бўйлаб, t ни вақтни вертикал уқ бўйлаб x силжишни косинусни қиймати -1 билан +1 ораликда X ни қиймати -a дан a гача чегарада етади.

Системанинг мувозанат ҳолатининг энг катта оғиши тебраниш амплитудаси косинус ишораси остидаги $(\omega_0 t + \alpha)$ катталик тебраниш фазаси дейилади. $t=0$ бўлганда α га бошлангич фазовий давр деб бир марта тулик тебраниш учун кетган вақт тебраниш даври дейилади. У қуйидаги шартдан топилади.

$$[\omega_0(t+T) + \alpha] = [\omega_0 t + \alpha] + 2\pi \quad T = \frac{2\pi}{\omega_0} \quad (8)$$

Вақт бирлиги ичидааги тебранишлар сони тебранишлар частотаси дейилади.

$$\nu = \frac{1}{T}$$


Частота бирлиги деб бир секундга тенг булган тебранишнинг частотаси қабул қилинган. Бу бирлик 1Гц деб аталади.

10^3 гц килогерц 10^6 гц мега герц дейилади.

$$(8) \text{ дан } \omega_0 = \frac{2\pi}{T}$$

Шундай қилиб, $\omega_0, 2\pi$ секунд ичидаги тебранишлар сонидан иборат экан. ω_0 катталикни циклик частота дейилади. У одатдаги частота билан қуйидагича боғлиқ

$$\omega = 2\pi\nu \quad (11)$$



(7) формулани вақт бўйича дифференциаллаб, тезлик ифодасини топамиз.

$$\mathcal{V} = \dot{x} = -a\omega_0 \sin(\omega_0 t + \alpha) = a\omega_0 \cos(\omega_0 t + \alpha + \frac{\pi}{2}) \quad (12)$$

формуладан курииб турибдики, тезлик ҳам гармоник конун бўйича узгарар экан. Тезликнинг амплитудаси эса $a\omega_0$ га тенг. (7) ва (12)ни солиштирсак, тезлик силижишининг фаза бўйича $\pi/2$ га илгари юришини курамиз. (12) формулани яна бир марта дифференциал тезланишни топамиз.

$$\mathcal{V} = \ddot{x} = -a\omega_0^2 \cos(\omega_0 t + \alpha) = a\omega_0^2 \cos(\omega_0 t + \alpha + \frac{\pi}{2}) \quad (13)$$

(13) формуладан тезланиш билан силижиш карама-карши фазада деган хулоса чикади. Бу шуни курсатадики, силижиш энг катта мусбат кийматга эришганда тезланиш энг катта манфий кийматга эришади. Тезлик силижиш ва тезланиш формуласини топиш мумкин.

$$x_0 = a \cos \alpha, \quad \mathcal{V}_0 = -a\omega_0 \sin \alpha$$


булардан қуйидагини топамиз.

$$a = \sqrt{x_0^2 + \frac{\mathcal{V}_0^2}{\omega_0^2}}; \quad \operatorname{tg} \alpha = -\frac{\mathcal{V}_0}{x_0 \omega_0} \quad (14)$$

Математик маятник.

Математик маятник деб ингичка чузилмас вазнсиз оғирлиги бир нуктага тушган системага айтилади. Ипга осиб қуйилган. Маятник мувозанат ҳолатдан оғган пайтда $M = m\omega \cdot l \sin \varphi$ га тенг айлантурувчи момент юзага келади. Шу хусусияти билан квази эластик кучга ухшайди. Шу сабабдан силижиш билан куч М момент билан бурчак силижишга карама-карши ишоралар берилиши керак.

$$M = -mgl \sin \varphi \quad (1)$$



Маятник учун айланма ҳаракат динамикасининг тенгламасини езсак, бурчак тезланишни $\ddot{\varphi}$ билан белгилаб инерция моментини ml^2 деб олиб

$$\begin{aligned} ml^2 \ddot{\varphi} &= -mgl \sin \varphi \\ \ddot{\varphi} + \frac{g}{l} \sin \varphi &= 0 \end{aligned} \quad (2)$$

Кичик тебранишларни текшириш билан чегараланиб $\varphi = \sin \varphi$

$$\text{деб ва } \frac{g}{l} = \omega_0^2 \quad (3) \text{ белгилаш киритиб } \ddot{\varphi} + \omega_0^2 \varphi = 0 \quad (4)$$

бунинг ечимини иккинчи тартибли дифференциал тенглама ечими $\varphi = a \cos(\omega_0 t + \alpha)$

Демак, кичик тебранишлар учун математик маятник оғиш бурчаги вақт бўйича гармоник узгарар экан. (3) дан ва $T = 2\pi/\omega_0$ формуладан

фойдалансак

$$T = 2\pi \sqrt{\frac{l}{g}} \text{ Математик маятник тебраниш даври.}$$


Савол: Математик маятник кандай куч таъсирида тебранади?

Физик маятник.

Маълум огирликка эга булган ва огирлик маркази билан устма-уст тушмайдиган нуктага осилган жисмдан иборат бурчак системага физик маятник деб аталади. Маятник φ бурчакка бурилгандан пайдо булган кайтарувчи куч $mg \sin \varphi$ ва унинг моменти

$$M = -mgl \sin \varphi \quad (6)$$

I - маятникнинг осилиш нуктаси билан инерция маркази оралигидаги масофа M билан φ нинг йуналишлари карама-карши булгани учун "-" ишора куйилган. Маятникнинг осилиш нуктаси оркали утувчи укка нисбатан инерция моментини I харфи билан белгилаб куйидагини езамиз.



$$I = \ddot{\varphi} = -mgl \sin \varphi \quad (7)$$

$$\ddot{\varphi} + \omega_0^2 \varphi = 0 \quad (8) \quad \text{бунда}$$

Кичик тебранишлар учун

$$\omega_0^2 = \frac{mgl}{I} \quad (9)$$

Физик маятникнинг тебраниш даври T . $T = 2\pi \sqrt{I/mgl} \quad (10)$

Физик маятникни келтирилган узунлиги $L = I/ml$ белгилаб, тебраниш даври

$$T = 2\pi \sqrt{L_{ки}/g} \quad (11) \quad \text{куринишда езиш мумкин.}$$

Савол: Кандай маятникларни физик маятник деб аташ мумкин?

Синов саволлари:

1. Гармоник тебраниш деб нимага айтилади ?
2. Гармоник тебранишнинг гармоник тенгламасини келтириб чиқаринг?
3. Математик маятник деб нимага айтилади?
4. Физик маятник деб нимага айтилади ва у математик маятникдан нимаси билан фарк килади?
5. Келтирилган узунлик , тебраниш даври ва частоталарни таърифланг?


10 - Маъруза: Тебранишларни қўйиш. Сунувчи ва мажбурий тебранишлар.

Р Е Ж А :


1. Бир хил йуналишдаги тебранишларни қўйиш, титраш.
2. Узаро перпендикуляр тебранишларни қўйиш.
3. Сунувчи ва мажбурий тебранишлар.

Бир хил йуналишдаги тебранишларни қўйиш.

Биз жисм бир вақтда бир йуналиш еки турли йуналишлар буйлаб содир булаётган бир неча тебранишларда иштирок этадиган ҳоллар ҳам учраши мумкин.



Масалан, агар шарчани пружина ердаида рессорларда тебранаётган вагоннинг шипига осиб қўйсак, бу ҳолда шарчанинг Ерга нисбатан ҳаракати вагоннинг Ерга нисбатан тебранишлардан ташкил топади. Йуналишлари ва частоталари бир хил булган иккита гармоник тебранишларнинг қўйилишини қараб чиқайлик. Тебранувчи жисмнинг x силжиши қуйидагидек қурилишга эга булган x_1 ва x_2 силжишларнинг йигиндисидан иборат.



$$x_1 = A_1 \cos(\omega_0 t + \alpha_1)$$

векторларнинг

қўйиш

$$x_2 = A_2 \cos(\omega_0 t + \alpha_2) \quad (1)$$

қоидаига биноан

$$x = x_1 + x_2$$

$$A^2 = A_1^2 + A_2^2 - 2A_1A_2 \cos(\alpha_2 - \alpha_1) \quad (2)$$

$$\operatorname{tg} \alpha = \frac{A_1 \sin \alpha_1 + A_2 \sin \alpha_2}{A_1 \cos \alpha_1 + A_2 \cos \alpha_2} \quad (3)$$

Агар x_1 ва x_2 тебранишларнинг частоталари ҳар хил булса, A_1 ва A_2 векторлар ҳар хил тезликлар билан айланади. Бу ҳолда натижавий векторнинг катталиги пульсацияланиб туради ва u узгарувчан тезлик билан айланади. Демак, бу ҳолда натижавий ҳаракат гармоник тебраниш эмас, қандайдир мураккаб тебраниш процессдан иборат

булади.

Савол: Гармоник тебранишлар деб нимага айтилади?

Титраш.

Иккиси бир томонга йуналган қўйилиши гармоник тебранишларнинг частоталари жуда кам фарк қиладиган ҳолда алоҳида аҳамиятга эга. Бундай шароитда натижавий ҳаракатни пульсацияланувчи амирулидаси гармоник тебраниш деб қараш мумкин эканлигини қурсатайлик. Бундай тебранишлар титраш дейилади.

Тебранишлардан бирининг частотасини ω билан, иккинчисиники эса $\omega + \Delta\omega$ билан белгилаймиз. Шартга биноан $\Delta\omega \ll \omega$. Иккала тебранишнинг амплитудасини бир хил ва a га тенг деб оламиз. У вақтда бу икки тебранишнинг тенгламалари куйидаги курунишга келади.

$$x_1 = A \cos \omega t$$


$$x_2 = A \cos(\omega + \Delta\omega)t$$

Бу ифодаларни узаро кушиб ва косинусларнинг йигиндиси учун тригонометрик формулани куллаб куйидагини топамиз. 2-расм $x = x_1 + x_2 = (2A \cos \frac{\Delta\omega}{2} t) \cos \omega t$ $T = 2\pi/\omega$

Ўзаро перпендикуляр тебранишларни қўшиш.

Иккита эркинлик даражасига эга булган, яъни вазиятни аниклаш иккита катталиқ зарур булган системани караб чикайлик. Бунга бир учи шарнир холда махкамланган енгил узун пружинага осилган оғир шарга мисол була олади. Бу шарга пружина билан биргаликда битта текисликда маятник каби тебранади.

Шарча иккита тебранишда: φ биринчидан бурчак узгарадиган тебранишларда иккинчисидан l узунлиги ва q оғирлик кучи тезланиши, иккинчи тебранишнинг частотасини эса пружинанинг эластиклик коэффициентини K ва шарчанинг массасини белгилайди.



$$\left. \begin{aligned} x &= A \cos \omega t \\ y &= B \cos(\omega t + \alpha) \end{aligned} \right\} \quad (1)$$

Энди x ва y уқлари буйлаб содир булаётган бир хил частотали узаро перпендикуляр иккита гармоник тебранишни қўшишга утамиз.

α - иккала тебранишнинг фазолари айирмаси.

$$\cos \omega t = x/A \quad (2) \text{ демак, } \sin \omega t = \sqrt{1 - x^2/A^2} \quad (3)$$

Энди иккинчи (1) тенгламадаги косинуси йигиндининг косинуси формуласига асосан емиз ҳамда $\cos \omega t$ ва $\sin \omega t$ лар урнига уларнинг (2) ва (3) кийматларини куямиз. Натижада куйидаги тенгламани топамиз.

$$\frac{y}{B} = \frac{x}{A} \cos \alpha - \sin \sqrt{1 - x^2/A^2} \quad (4)$$

Сунгра тенгламани y кадар мураккаб булмаган узгартиришлардан кейин куйидаги холга келтириш мумкин.

$$\frac{x^2}{A^2} + \frac{y^2}{B^2} - \frac{2xy}{AB} \cos \alpha = \sin^2 \alpha \quad (5)$$

Баъзи бир хусусий холлар учун траекторияларнинг шаклини текширайлик:

1. Фазалар фарки $\alpha = 0$ га тенг, бу холда (5) тенглама

куйидаги курунишга келади:

$$\left(\frac{x}{A} - \frac{y}{B} \right)^2 = 0$$

бунда куйидаги тугри чизик формуласи келиб чикади. $y = \frac{B}{A} x$

2. Фазалар фарки π га тенг булсин, y холда (5) тенглама куйидаги курунишга келади.

$$\left(\frac{x}{A} + \frac{y}{B} \right)^2 = 0$$

бунда натижавий ҳаракат тугри чизик буйлаб содир булувчи гармоник тебранишдан иборат.

$$\alpha = \pm \frac{\pi}{2} \quad \frac{x^2}{A^2} + \frac{y^2}{B^2} = 1 \quad (5) \quad \text{формула куйидагича} \quad \text{яъни координата уқларига келтирилган}$$

эллипсдан иборат булади. Агар $\alpha = \pm \pi/2$ булса, (1) тенглама

$$\left. \begin{aligned} x &= A \cos \omega t \\ y &= -B \cos \omega t \end{aligned} \right\}$$

Агар $\alpha = -\pi/2$ булганда тебраниш тенгламаси куйидагича булади:


$$\left. \begin{aligned} x &= A \cos \omega t \\ y &= B \cos \omega t \end{aligned} \right\}$$

Сўнувчи тебранишлар.

Гармоник тебранишлар тенгламасини чиқаратганда биз тебранувчи нуктасига квазиэластик куч таъсир килади деб ҳисоблаган эдик. Ҳар қандай реал тебранувчи системада доим қаршилиқ кучлари мавжуд бўлиб, уларнинг таъсири система энергиясини камайишига олиб келади. Агар камайган энергия ташки кучларнинг иши ҳисобига тулдирилиб турилмаса тебранишлар сунади.

$$\text{Қаршилиқ кучи} \quad F_k = -r\dot{x} = -r\dot{x}' \quad (1)$$

r - чиқариш коэффициентлари.



Тебранаётган жисм учун Ньютон иккинчи қонунининг тенгламасини ёзамиз.

$$m\ddot{x} = -kx - r\dot{x}$$

$\ddot{x} + 2\beta\dot{x} + \omega_0^2 x = 0$ (2) уни қуйидаги қурилишга келтирамызбу ерда қуйидаги белгилардан фойдаландик:

$$2\beta = \frac{r}{m} \quad (3) \quad \omega_0^2 = \frac{k}{m} \quad (4)$$

ω_0 - хусусий тебраниш частотаси.

$a(t)$ вақт функцияси (5) ни t вақт бўйича дифференциаллаб $\dot{x}$ ва $\ddot{x}$ ларни топамиз.

$$\dot{x} = \dot{A} \cos(\omega t + \alpha) - \dot{A} \omega \sin(\omega t + \alpha)$$

$$\ddot{x} = \ddot{A} \cos(\omega t + \alpha) - 2\dot{A} \omega \sin(\omega t + \alpha) - A \omega^2 \cos(\omega t + \alpha)$$

бу ифодаларни (2) га қуйиб, уни мураккаб бўлмаган узгартиришлар утқазсак, қуйидаги муносабатни топамиз.

$$[\ddot{A} + 2\beta\dot{A} + (\omega_0^2 - \omega^2)A] \cos(\omega t + \alpha) - 2\omega[\dot{A} + \beta A] \sin(\omega t + \alpha)$$

$\cos(\omega t + \alpha)$ ва $\sin(\omega t + \alpha)$ ларнинг олдидаги коэффициентлар 0 га тенг бўлиши мумкин.

$$\dot{A} + \beta A = 0 \quad (6)$$

$$\ddot{A} + 2\beta\dot{A} + (\omega_0^2 - \omega^2)A = 0 \quad (7)$$

(6) тенгламани қуйидагича ёзиш мумкин. $\frac{dA}{dt} = -\beta A$ бундан $\frac{dA}{A} = -\beta dt$

Сунгги тенгламани интегралласак, $\ln A = -\beta \cdot t + \ln A_0$ буни потенциаллаб $A(t)$ учун қуйидаги ифодани топамиз.

$$A = A_0 e^{-\beta t} \quad (8)$$

$A = -\beta A$ ва $A'' = \beta^2 A$ эканлигини осонгина қуриш мумкин.

$$\beta^2 A - 2\beta^2 A (\omega_0^2 - \omega^2) A = 0$$

бу муносабатни 0 дан фаркли A қупайтирувчига қисқартирсак, $\omega^2 = \omega_0^2 - \beta^2$ ни (9) топамиз.

$\omega_0^2 > \beta^2$ бўлса, ҳақиқий сон бўлади. Шундай қилиб, сунгги жуда кучли бўлмаганда $\beta < \omega_0$ тебранишлар қуйидаги функция билан тасвирланади.

$$x = A_0 l^{-\beta t} \cos(\omega t + \alpha) \quad (10)$$

Тебранишларнинг суниш тезлиги суниш коэффиценти деб аталувчи $\beta = \gamma/2m$ катталики билан аникланади. Тебраниш даври

$$T = \frac{2\pi}{\sqrt{\omega_0^2 - \beta^2}} \quad (11)$$

$$\frac{A(t)}{A(t+T)} = l^{\beta T} \quad \text{суниш декременти}$$

$$\lambda = \ln \frac{A(t)}{A(t+T)} = \beta T \quad \text{сунишнинг логарифмик декременти дейилади.}$$

$$Q = \frac{\pi}{\lambda} = \pi N_c \quad \text{Тебраниш системасининг аслиги деб аталади.}$$

Савол: Тебранишларнинг техникада урни қандай?

Мажбурий тебранишлар.

Тебранувчи системада даврий узғариб турувчи таъсирида содир булувчи тебранишлар мажбур этувчи куч вақт бўйича гармоник $F = F_0 \cos \omega t$ (1) қонун билан узгаради.

$$m\ddot{x} = -kx - r\dot{x} + F_0 \cos \omega t \quad (2)$$

Бу тенгламани m ни тақсимлаб ва x' ҳамда k ли ҳадларни чап томонга утқазиб, иккинчи даражали чизикли дифференциал тенгламага эга бўламиз.

$$\ddot{x} + 2\beta\dot{x} + \omega_0^2 x = F'_0 \cos \omega t \quad (3)$$

бу ерда $F'_0 = F_0/m$, $\beta = \gamma/2m$ эса суниш коэффиценти $\omega_0 = \sqrt{k/m}$ системанинг хусусий тебраниш частотаси.

(3) тенгламанинг умумий ечими: $x = A_0 l^{-\beta t} \cos(\omega t + \alpha)$

Синов саволлари:

1. Тебранишларни қушиши деганда нимани тушунаси?
2. Титраш деб нимага айтилади?
3. Узаро перпендикуляр бўлган тебранишларни қушишни тушунтиринг?
4. Сунувчи ва мажбурий тебранишлар деб нимага айтилади?
5. Тебранишлар тенгламасини ёзинг?

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Савельев И.В. Умумий физика курси, т. 1-3, М, Наука 1989-92.
2. Детлаф А.А., Яворский Б.М., Курс физики, М.Высшая школа, 1989 г.
3. Трофимова Т.И. Курс физики М., Высшая школа, 1999 г.
4. Сивухин Д.В. Умумий физика. Механика. Т.Укитувчи.1981Й.
5. Стрелков СП. Умумий физика курси. Механика. Т. Укитувчи. 1977 й.
6. Ахмаджонов О.И.Физика курси I-3к.Т. Укитувчи 1988-89 и.
7. Косимов А., Сафаров А. ва бошк. Физика курси. 1 к. Узбекистан, 1994 й.
8. Назаров У.К. ва бошк. Умумий физика курси 1к. Узбекистан, 1992 й.
9. Камолхужаев Ш.М., Гаибов А.Г., Химмзткулов О. Механика ва молекуляр физикадан маърузалар матни. ТошДТУ. 2003 й.